## Анжуманлар

# «САНОАТ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК»

Ҳамза тумани шаҳримиздаги энг йирик саноат ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда кўплаб акционерлик жамиятлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қўшма ва кичик корхоналар жойлашган. Туманда кейинги пайтларда табиат муҳофазаси ишларига катта эътибор қаратилиб, экологик ҳолатини яхшилаш борасида салмоқли саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Чунончи, Салор, Қорасув, Баротхўжа каналларини саноат чиқиндилари билан ифлослантиришга чек қўйишга жиддий киришилди. Тумандаги 38 та корхонада ички эҳтиёжлар учун ўз артезиан қудуқлари сувларидан фойдаланмоқда. Айниқса, «Ўзбек қоғози» акционерлик жамиятида табиат муҳофазаси йўналишида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бу ерда ишга туширилган янги сув тозалаш иншооти Қорасув дарёсига йилига 2190 минг куб метр чиқинди сувларни чиқаришни тўхтатишга имкон туғдириши билан бирга ифлосланган сувларни қайта фильтрлаш эвазига чиқиндилардан ДВП маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўл очди. Бундан ташқари бу ерда ўтган йилнинг декабрь ойида ишга туширилган канализация тизимидан Ҳамза ва Миробод туманидаги бошқа корхоналар ҳам фойдаланмоқда.

Шу сабабдан халқаро «Экосан» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган «Саноат, экология ва саломатлик» мавзуидаги илмий-амалий анжуманнинг «Ўзбек қоғози» акционерлик жамиятида ўтказилиши бежиз эмасди.

Анжуманга ташриф буюрганлар акционерлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар, корхона музейи билан яқиндан танишишди. К. Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили жаноб В. Шрайбер, «Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамияти бошқаруви раиси А. Алимбоев, «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг директори Ш. Иброҳимова ва бошқалар ўз сўзларида иқтисодий ислоҳотлар даврида шаҳар аҳолисининг экологик билими ва тарбияси муаммолари, шаҳар саноат корхоналарининг экологик ҳолати ва уни яхшилаш тадбирлари хусусида фикр юритдилар. Экология борасидаги ютуқ ва муаммолар таҳлил қилинди. Йиғилганларда, айниқса, Сергели туманидаги 2-ўрта мактабнинг «Келажакка назар» экологик жамоасининг чиқишлари чуқур таассурот қолдирди.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

## Саноат

# МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бу йилги режасидан қатор янги машиналарни ишлаб чиқариш ўрин олган. Хусусан жамоа янги лойиҳа асосида тўрт қаторли пахта териш машинаси яратишни мўлжаллаб турибди. Ҳозир мутахассислар бу янги машинанинг тажриба нусхасини ишлаб чиқдилар. Бу горизонтал шпинделли пахта териш комбайнларининг иши бошқа машиналарга қараганда 35-45 фоиз умумдорлиги, шунингдек сифатли пахта териши билан ажралиб туради. Янги комбайнлар «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқадиган янги «Кейс-4240» маркали тракторлар негизида яратилади.

Бундан ташқари корхона янги КПК-3,6 маркали ем-хашак йиғувчи машина лойиҳаси устида ҳам иш олиб бормоқда. Шунингдек, корхона қишлоқ деҳқонлари учун керак бўлган кичик ҳажмдаги, соатига 200 килограмм ун чиқарадиган тегирмон, соатига 30 литр мой оладиган ёғ аппарати, соатига 25 килограмм макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган дастгоҳ, 1 минутда 18 та банка ёпадиган ёпқич ва шунга ўхшаш бошқа халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни белгилаб қўйди.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

## Биласизми?

# ЛИМОН — САРАТОН КУШАНДАСИ

Шундай оддий нарсалар борки, уларга мўъжизали сифатлар хослигини кўпинча хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Масалан, лимон шарбати саратон (рак) касаллигининг ривожланишини тўхтатиб қўя оладиган имкониятга эга эканлигини исбот этди. Маълум бўлишича, лимон шарбати янгилигида инсон организмида саратон (рак) ҳужайрасини ўсимтага айлантирадиган заҳарли (канцероген) моддаларни йўқотиб юбора оладиган хусусиятга эга экан. Агар лимон шарбати яъни, тоза лимон шарбати ҳар куни маълум бир миқдорда ичиб турилса, тананинг сезгир тўқималарини заҳарли химиявий моддаларнинг таъсиридан муҳофаза этади. Ҳужайраларни охир-оқибатда, хавфли ўсимтага айлантирадиган заҳарланишдан сақлайди.

Япониянинг цитрус мевалари шарбатининг инсон организмига таъсирини ўрганувчи марказида доктор Йошио Като бошчилигида шу муносабат билан ўтказилган махсус тадқиқотлар ана шундай хулосаларга олиб келди. Доктор Като лимон шарбатини албатта овқатланишдан олдин ёки овқатланишга киришилган пайтда 2 ош қошиқдан истеъмол қилиш самарали эканлигини, ундан кечиктириб қабул қилинса, фойдаси бўлмаслигини айтди. Докторнинг фикрича, лимон шарбати энди сиқилган, янги, тоза бўлиши керак.

Доктор лимон шарбатини, айниқса, дудланган, консерваланган ёки тузланган озиқ-овқатларни тановул қилишдан олдин ичишни тавсия этади. Сабаби, бундай таомларда концероген моддаларининг салмоқли даражада бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

*Моҳира КАРИМОВА тайёрлади.*



*Хандона Рўзмуҳамедова «Чорсу» универсал дўкони қошидаги кичик тикув цехида кўплаб ёшларга тикиш сирларини ўргатиш билан бир қаторда, уларга оилавий юмушлар, урф-одат, хулқ-атвор хусусида ҳам сабоқ беради.*

*СУРАТДА: Хандона Рўзмуҳамедова (ўнгда) тикувчи Шоҳиста Маҳмудова билан.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

# ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

## Савдо

# БЎЛАЖАК ҒАЛАБАЛАР ОМИЛЛАРИ

***Шаҳримиздаги «Динамо» спорт моллари дўконини билмайдиган бирорта ёшу кекса топилмаса керак. Дўконга кирган киши тўпми, велосипедми, қармоқми, ов милтиғими, спорт пойабзали, чўмилиш кийимлари, хуллас спорт ва туризмга оид бирор-бир анжомни харид қилмай кетмасди.***

***Бундан бир йил олдин ушбу дўконга кириб ҳайратдан ёқа ушлагандим: унинг озиқ-овқат йўналишидаги тижорат дўконларидан фарқи қолмаганди. Ачинарли томони шундаки, спорт ва жисмоний тарбиянинг турмушимиздан мустаҳкам ўрин олишида шу дўконнинг ҳам ўрни бор эди. Шу боисдан «Динамо» яна ўзининг илгариги мавқеини тиклаганлиги эътиборлидир. Ундан яна кишилар аримайдиган, спорт соҳасига оид буюмларни харид қиладиган бўлишди. Бизнинг «Динамо» жамоа корхонаси директори Асад Йўлдошев билан суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақда — шаҳримиз аҳолисига спорт анжомларини етказиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.***

— Ёшлигимдан спортга қизиқаман, — дейди Асад Йўлдошев. — Ҳарбий хизматга чақирилгунимга қадар «Пахтакор» футбол мактабида С. Арутюнов етакчилигида футбол билан шуғулланганман. Армиядан қайтгач, шу дўконда иш фаолиятимни оддий ишчиликдан бошладим. Шунга ҳам 21 йил бўлибди. Очиғини айтганда, 1995-96-йиллар дўконимиз учун жуда оғир кечди. Турли сабабларга кўра у тижорат дўконига айланиб қолганди. Жамоа корхонаси аъзоларининг ўтган йил июнь ойида бўлган йиғилишида мени раҳбарликка сайлашди. Ўша вақтларда жамоа корхонамизнинг 1,5 миллион сўмлик қарзи бор, у деярли банкротлик даражасига етганди. Биринчи навбатда «Динамо»нинг аввалги мавқеини тиклаш керак эди. Зеро, бу ерга умид билан кирган киши қуруқ чиқиб кетмаслигига интилишимиз даркор эди. Юртбошимизнинг республикамизда спортни, футболни, тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги фармонларидан руҳланган ҳолда дўконимиз фаолиятини тубдан ўзгартиришга қарор қилдик.

Бунда аввалambор эътиборни жамоада соғлом рақобатни юзага келтириш, сифатли моллар билан дўконни тўлдиришга қаратдик. Илгари 4 та бўлим мавжуд бўлса, уларни ихчамлаштириб, сонини 13 тага етказдик. Дўконимизнинг 4 та шохобчаси бўлиб, улар ёпилиб кетган эди. Ўша нуқталарда ишлаган тажрибали ходимларни ўзимизга жалб этиб, ҳар бир бўлимга реал режалар белгиладик.

Бу яқин-атрофда хўжалик моллари дўкони йўқлиги сабабли рўзғорбоп буюмлар бўлими ҳам ташкил қилдик. Ҳозир ҳар бир бўлим бошлиқлари ўзларига мол топишга, харидоргир ва арзон анжомлар келтиришга ҳаракат қилишяпти. Натижада жамоамизда ишчанлик руҳи, соғлом рақобат вужудга келди. Энг муҳим мақсадимиз ҳам шу эди.

Натижа ўзини узоқ куттирмади. Ойлик савдо 500 минг сўмдан 2 миллион 400 минг сўмга чиқди. Маҳсулот айланмаси 2,5 баробарга ошди. Бу ходимлар сонини сезиларли даражада кўпайтиришга, ойлик маошни эса 2 баробар оширишимизга имкон туғдирди.

Ўйлаймизки, «Динамо» яна МДҲ республикалари бўйича спорт анжомлари билан савдо қиладиган махсуслаштирилган энг катта дўконлардан бирига айланди.

**— Спорт анжомларини ўзимиздаги корхоналардан оляпсизларми ёки четдан келтиряпсизларми?**

— Ўзимизнинг маҳаллий сифатли спорт молларини олганга нима етсин. Бироқ кўп корхоналарда спорт маҳсулотларини чиқаришга эътибор камайганлиги кишини ташвишлантиради. Илгари шарик-подшипник корхонаси гантеллар чиқарарди. «Малика» бирлашмаси ҳатто «Пахтакор» командамизни сифати хорижникидан қолишмайдиган ажойиб футбол кийимлари билан таъминлаганди. «Орзу» эса яхши футбол, волейбол тўплари тикарди. Афсуски, ҳозир бу борада аҳвол салбий томонга ўзгарди. Кроссовка, кета, футболчилар учун бутсиларга талаб катта. Қани энди Ўзбекистонда уларни ишлаб чиқарадиган корхона бўлса.

Яқинда «Орзу» акционерлик жамияти ишлаб чиқарган спорт маҳсулотларининг ярмаркаси ўтказилди. Унда намойиш этилган спорт сумкалари, бокс қўлқоплари, тўпларнинг сифати паст бўлиши билан бирга нархи ҳам жуда қиммат.

Бироқ шундай бўлса-да республикамизда ўрта ва кичик тадбиркорликнинг ривожланиши жонимизга оро киряпти. Биз шаҳримизда фаолият кўрсатувчи спорт моллари чиқараётган фирмалар, кичик корхоналар билан мустаҳкам алоқалар боғлаяпмиз. Чунончи, «Абу Бакр» кичик корхонасидан футбол тўплари, бокс қўлқоплари, «Лайм» кичик корхонасидан гантеллар, «Олимп» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасидан велосипедлар оляпмиз. Лекин бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. «Подъёмник» акционерлик жамияти штанга, гантеллар чиқаради. Улар маҳсулотларимиздан камида 200-300 комплект олсанглар берамиз дейишяпти. Бизга эса бундай молларнинг кичик туркуми керак...

**— Республикамизда футбол, теннис, енгил атлетика, сузиш, қўйингки спортнинг барча турларини ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Жойларда кўплаб замонавий талабларга жавоб берувчи ўйингоҳлар, спорт заллари қуриляпти. Вилоятлар билан ҳам алоқа қилиб туришингиздан хабардормиз. Айтингчи, юқоридаги ҳаракатларга яраша жойларда ёшларнинг чиниқишлари учун спорт анжомлари таъминоти етарли даражадами?**

— Бизнинг юртимизда шундай шарт-шароитлар борки, худди Бразилиядаги каби 12 ой мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш мумкин. Афсуски, биз бундай имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Кўпчилик туманларда энг оддий спорт анжомлари —тўплар, қўлқоплар, штангалар етишмаслиги жиддий муаммодир. Бундай аҳволда чемпионлар қандай етишиб чиқиши мумкин?

Қолаверса, Қуролли кучларимиз учун ҳам ҳар томонлама чиниққан, бақувват ва соғлом йигитлар керак.

Яқинда Урганч шаҳри, Навоий вилоятининг ҳокимлари келиб дўкондаги мавжуд молларимизни кўриб, ўз шаҳарларида шохобчаларимизни очиш тўғрисида илтимос қилишди. Шундан хулоса чиқарган ҳолда ҳозир жойлардаги спорт анжомларига бўлган талабни ўрганяпмиз. Шаҳримиздаги янги қад кўтараётган даҳаларда шохобчалар очиш ниятимиз бор. Шунингдек, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Урганч шаҳарларида ҳам филиалларимизни ташкил қилиш ҳаракатидамиз. Бундан ташқари кичик корхоналар билан ҳамкорликда спорт анжомларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу йўлда уларга хом ашё топиб беришми, молини сотишми, ҳар ҳолда бор имкониятлардан унумли фойдаланамиз. Хуллас, асосий ниятимиз спорт моллари билан бутун республикани таъминлаш.

**— Спорт ташкилотларига ҳам моддий томондан кўмак бериб турибсизларми?**

— Албатта, соф фойда ҳисобидан хайрия мадади ва моддий кўмакка биринчи галдаги вазифамиз сифатида қараймиз. Чимбойдаги ақли заиф болаларнинг 1-интернатини оталиққа олганмиз. Ҳар байрамларда уларга хайрия кўмаги бериб келамиз. Сергелидаги ногиронлар жамиятига мадад қўлини чўзяпмиз. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига ҳам анжомлар билан ва моддий томондан ёрдам беряпмиз. «Меҳнат ўринбосарлари» ўйингоҳидаги бокс мактаби,«Шайхонтоҳур» футбол командасига ҳам баҳоли қудрат ўз кўмагимизни кўрсатяпмиз. Чилонзор туманидаги «Камолон» маҳалласини газлаштириш ишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик. Ҳали бу борадаги режаларимиз кўп.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

## Томорқа

# ХОМТОК ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

***Кўкламнинг бир куни бутун куз мавсумига тенг, дейишади. Шунга кўра узумдан мўл ҳосил олиш учун уни қандай хомток қилиш, дорилаш хусусида маслаҳатлар беришни лозим топдик.***

Занг ва ҳосил олиш учун қолдирилган новдалар туплар очилиши билан бағазларга бир текисда тақсимлаб, қиялатиб боғланади. Бу иш куртак бўртгунгача тугалланиши керак. Агар саккиз рақами шаклида боғланса айни муддао, бунда боғичлар узилиб кетмайди, занг ва новдалар қийилмайди.

Шўра хомток эса ток тупида шўралар пайдо бўлгандан гуллаши бошлангунгача ўтказилиши керак. Шунда узумнинг кул касаллиги (оидиум) ва зараркунандаларга чалиниши камаяди, ҳаво ва шамол ўтиши яхшиланади. Бунда токнинг ва зангнинг ўрнини босиш учун керак бўладиган бачки новдалар эса қолдирилади. Хомток вақтида суғориладиган ерларда иккита ҳосил берадиган новдага битта ҳосил бермайдиган новда, лалми токзорларда эса ҳар бир ҳосилдор новдага битта ҳосил қилмайдиган новда қолдирилади. Бир кўз ўрнидан иккита ёки учта новда ўсиб чиқса, фақат битта бақувват ўсган ва яхши жойлашганига тегилмайди. Улар 50-60 сантиметр узунликка етганда боғланади.

Барг қўлтиғидан ўсиб чиққан бачки новдалар бир неча маротаба олиб ташланади. Агар улар кўпайиб кетса, баргларни қуёш нуридан тўсиб, узум бошларининг пишиб етилишини секинлаштириб юборади. Бачки новдалар қотиб қолса, токқайчи билан кесиб ташланади. Ҳосил берадиган тупларга табиий ўғитларни шарбат усулида қуйиш керак. Бунинг учун ариқ бошида чуқурлик кавланиб, 5-10 замбил гўнг сепилади ёки катта бочканинг ярмига гўнг солиниб, бир ҳафта, ўн кун сув солиб ачитилади. Сўнг аралаштириб, ток тупига қуйилади. Ҳар суғоришда бир метр чуқурликдаги тупроқ намланиши керак.

Узум ғужумлари мошдек катталикда бўлганда суғоришни бошлаш мумкин. Бўз тупроқли ерларда бу иш 4-5 маротаба, қумлоқ ерларда 5-7 маротаба, шағалли ерларда 8-10 маротаба, ер ости сизот сувлари яқин бўлган ерларда 1-2 маротаба ўтказилади. Токка сув бериш ҳосил йиғиштириб олишдан 15-20 кун олдин тўхтатилади. Тупроқ доим юмшатиб турилади. Баъзан ток барглари сарғайиб, майдаланиб кетади. Бунга барҳам бериш учун ҳосилли ток тупларига 800-1000 грамм темир кукуни ишлатилади. Уни бир челак илиқ сувда эритиб, ток тупи илдизи атрофида 30-40 сантиметрли чуқурчаларга қуйилади.

Узум бошининг чириш касаллигига қарши карбофос билан (10 литр сувга 30 грамм) пуркаш самаралидир. Бирйўла кул касаллигига қарши бу эритмага коллоидли ёки дисперсли олтингугурт қўшиб пуркалади (10 литр эритмага 80-100 грамм). Карбофос ўрнига тамаки қайнатмасидан фойдаланса ҳам бўлади. Бунда 1 килограмм тамаки чиқиндиси 10 литр қайноқ сувда дамланади. Бир сутка ўтгач, сузилади. Ишлатишдан олдин сув қўшиб суюлтирилади ва унга 40-50 грамм совун ҳам аралаштирилади.

Дори сепишнинг дастлабкиси, новдаларда 4-6 тадан чинбарг ҳосил бўлганда, иккинчиси 10 кундан кейин, учинчиси ток гуллагандан 2 ҳафта ўтгач олиб борилади. Ҳар бир хомтокдан кейин новдаларни шамол ва ёруғлик бемалол ўтадиган қилиб тараб боғлаш, олтингугурт билан ишлов бериш самаралидир.

*Маҳдий РАЗЗОҚОВ,*
*қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.*

## Муаммо

# ХОН БЎЛСАНГ-ДА, БОҒ ЯРАТ...

***Ҳа, улуғ бобомиз Амир Темур соҳибқирон бўлишига қарамай ўзига қарашли ерларнинг кўркам, халқининг бойбадавлат, тинч яшашига, мамлакатнинг обод бўлишига алоҳида эътибор берган. Ҳатто бу ҳақда ўз «Тузуклари»да ҳам таъкидлаб кетган: «Ҳамишалиғ таъкид этар эдим, хон бўлсанг-да, боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат... бир кун эмас-бир кун мевасини тотирсан...». Бу фикрни шунчаки айтиб қўя қолмай, соҳибқироннинг ўзи ҳам унга амал қилган.***

Дарҳақиқат ўзбек халқи қадимдан бир парча ери бўлса, албатта мевали дарахт ўтқазишга ҳаракат қилади. Ҳатто эшиги олдида бир туп бўлсада тутми, ўрикми, ёнғоқми, олмами экади. Шунинг учун азалдан ўзбек хонадонида қиш кунлари ҳам олма, туршак, ёнғоқ, шинни каби мева ва бошқа маҳсулотлар доим бўлган. Бугун эса уйга бирор меҳмон келмоқчи бўлса, албатта маҳалла бозорига чиқиб, 1-2 килограмм олма, ўрик, ёнғоқ келтириб қўямиз. Ҳайронман, ҳозир ҳам ўша ер, сув, ҳаво бор. Аммо негадир қадимгидай боғ-роғлар яратишга эътибор бермай қўйилди.

Маълумки, сўнгги йилларда Эски шаҳар ҳудудидаги бир неча кўчалар кенгайтирилди. Айниқса, Сағбон, Қорасарой, Чиғатой, Форобий кўчалари четига арча, қайин, қарағай, чинор каби кўча шароитига чидайдиган дарахтлар экилиб, тагига чим ётқизилмоқда. Бу ишлар давлатнинг катта маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда. Аммо экилган шу ниҳолларни парвариш қилиш ўрнига айрим тарбиясиз болалар уларни суғуриб ташлаб ёки оёқости қилиб, зарар етказмоқда. Ҳатто яқин-атрофдаги хонадон соҳиблари ҳам бунга эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, шу ниҳоллар кўкарса, катта бўлса, кўча, йўлкаларга соя-салқин беради-ку?

Яна бир ҳолат мени ўйлашга мажбур қилмоқда. Майли, шоҳкўчаларнинг икки томонига мевасиз дарахтлар ўтқазайлик. Аммо улар атрофида 2-3 гектарлаб жойлар боғ, хиёбонлар учун ажратилган. Айниқса, Ҳасанбой, Юнусобод мавзеларида, шунингдек Талабалар шаҳарчаси ҳамда бир неча корхона, илмий муассаса, санаторий, касалхоналар атрофидаги бўш ерларга ҳам фақат мевасиз дарахтлар экиб қўйилмоқда. Ваҳоланки, бундай жойларга 10 минглаб олма, ўрик, нок, гилос, ёнғоқ каби зарур дарахтларни ўтқазса бўлади.

Бундан 3-4 йил аввал мана шундай мевасиз дарахтлар ўрнига қайтадан тартибли равишда мевали, анвойи гуллар экиш ҳақида шаҳар ҳокимининг фармойиши чиққан эди. Унга биноан кўпгина ташкилотлар ва корхоналар ўз ҳудудларини кўркам боғларга айлантирдилар. Жумладан, 2-Тошкент давлат тиббиёт институти маъмурияти бу ишга биринчилар қаторида киришган эди. Бу ерда ўша пайтларда экилган ўрик, олма, гилос ва бошқа ниҳоллар шу кунларда ажойиб манзарани намоён этмоқда. Аммо нима учундир институтнинг ичкарисида бу иш давом эттирилмай қолди. Менимча, ушбу ташаббусни ҳозир ҳам барча ташкилот, корхона ва муассасаларда давом эттириш керак.

*Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,*
*республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.*



*Доноларимиз бежиз айтишмаган: «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми» деб. Гарчи шундай экан тасвирдаги отахонларимиз ҳам ёшларга умр, юртимизга тинчлик, тўкин-сочинлик бўлишини тилаган ҳолда қўлларини дуога очишган бўлишса ажаб эмас.*

*Рустам Шарипов олган суратли лавҳа.*

## Қурилиш

# КЎРКАМ БИНОЛАР

«Ташмахсуспардозқурилиш» ҳиссадорлик жамияти аъзолари шу кунларда шаҳримизнинг турли туманларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Пардозловчилар бу йил сатҳи 30 минг квадрат метрни ташкил этадиган уй-жойларга сайқал беришди. Улар шаҳримизда олиб борилаётган энг йирик иншоотлар қурилишида ҳам иштирок этадилар. Булар жумласига Яккасарой туманида қад кўтараётган жарроҳлик мажмуаси, Олий Мажлис биноларини киритиш мумкин.

Жамият бинокорлари яқинда шаҳримизнинг Форобий кўчасида қад кўтарган 10-уйни фойдаланишга топширишди. 76 хонадонга мўлжалланган бу янги бинога ҳамшаҳарларимиз кўчиб киришмоқда.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*

